

# ШАРТНОМА № 2

(суюлтирилган ва сиқилган газ ёқилгиси билан таъминлаш бўйича хизмат кўрсатиш)

« 26 » январ 2022 йил

Жомбой шахри

Бизлар бир томондан «JALILBEK PLYUS» МЧЖ раҳбари М.Исмоилов кейинчалик «таъминотчи» деб номланади, иккинчи томондан Жомбой тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори Ф.Кўзиев кейинчалик «Буюртмачи» деб номланади, амалдаги корхона низомига асосан қуйидаги шартномани туздик;

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Ижрочи» «Буюртмачи» га спецификацияга асосан (кейинги ўринларда – «хизматлар» деб юритилади) хизмат кўрсатиш, «буюртмачи» ушбу «хизматлар»ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Хизматлар»нинг аниқ турлари, ўлчов бирлиги, сони, нархи ва баҳосини мазкур спецификацияда келтирилади.

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Нархи	Жами махсулот миқдори	Умумий Суммаси (ҚҚС билан)
1	Сиқилган газ (метан)	м <sup>3</sup>	2500	160	400000
<b>Жами:</b>					<b>400000</b>

1.3. «Ижрочи» «Буюртмачи» нинг транспорт воситаларини сиқилган (метан) газ ёқилгиси билан таъминлаш мажбуриятини, «Буюртмачи» эса олинган махсулот учун уз вақтида пул туловларини ижрочини ҳисоб рақамига утказиш мажбуриятини олади.

## 2. ШАРТНОМА БАХОСИ ВА ХИСОБЛАШИШЛАР ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси қуйидагилардан ташкил топади.

2.1.1. Ижрочи 1 (Бир) ой давомида 160 м<sup>3</sup> сиқилган (метан) газ ёқилгисини, буюртмачининг транспорт воситаларига газ ёқилгиси қуйиш шахобчалари орқали таркатиш йули билан амалга оширади.

2.1.2. Мазкур шартноманинг баҳоси 400000 (Турт юз минг) (ҚҚС-52173.92) сўмни ташкил қилади.

2.1.3. Буюртмачи тамонидан Ижрочига шартнома баҳосини тўлаш, Ижрочининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб рақамига пул маблағларини кўчириш йули билан амалга оширилади. Хар ойнинг 5 кунига қадар «Буюртмачи» ва «Ижрочи» тамонидан таркатиш варақаси орқали олинган сиқилган (метан) газ махсулоти ва унинг нархи такқосланади.

2.1.4. Буюртмачининг автомашинасига қуйилган махсулот куни, махсулотни етказиш санаси ҳисобланади ва уша кунги нарх ббилан ҳисоб-китоб қилинади.

2.1.5. Таркатиш қайдномаси «ижрочи» томонидан газ ёқилгиси учун утказилган маблағ «сотувчи»нинг ҳисоб рақамига 100 % утгандан сунг берилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

а) белгиланган тартибда автомашинага газ махсулотларини қуйиш учун махсус рухсатнома олиш.  
б) газ балонинг гиометрик ҳажми ва техник ҳолати тугрисида хайдовчининг йул варақасига тегишли белги қуйиш.

3.2. Буюртмачи газ махсулотлари билан ишлайдиган, қайта жихозланган автомашиналардан фойдаланиш давомида, техник хавфсизлиги ва автомашинани техник ҳолати учун тулик жавобгарликни уз зиммасига олди.

3.3. Ижрочининг мажбуриятлари:

а) Автомашинадаги мавжуд улчов усқуналарини созлиги ва бу масалалардан тугри фойдаланаётганлигини назорат қилиш;

б) автомашина хайдовчисини газ махсулотларини ташиш учун гувоҳнома борлигини текшириш;

в) Буюртмачи тамонидан шартнома шартларини бузиш ва техник хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ҳолати аниқланганда, махсулот беришни тухтатиш;

3.4. Тарафлар махсулот жамининг уртача кунлик нормасидан келиб чиккан ҳолда ойлик газ миқдорини бир маромда узатиш ва қабул қилиши шарт.

3.5. Буюртмачи олган махсулотни истеъмол қилиш даврида хар бир юзага келган узгришлар ҳақида 5 кун муддат ичида Ижрочига ёзма равишда хабар қилиши шарт.